

Суннатларни ўрганамиз ва амал қиламиз



14:09 / 21.11.2018 9918

Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ўрганиш учун ташкил этиладиган интернет дарсларига ҳафтада уч кун устозимиз марҳум Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг “Ҳадис ва Ҳаёт”, “Ижтимоий одоблар” номли китобларига асосан ҳадислардан сабоқлар бериб борилади.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар.

Кузатиб бораётган бўлсангиз, islom.uz сайтида динимиз таълимотларини чуқурроқ ўрганиш, Ҳанафий мазҳабимиз борасидаги билимларимизни ошириш мақсадида ақийда, фикҳ, сийрат, тафсир, тазкия бўйича махсус дарслар ҳамда турфа рукнлар остида мақолалар бериб борилмоқда.

Биз ана шу камтарона ҳаракатимизни янада кенгайтириш, кўпроқ самаралар олиш мақсадида “Суннатларни ўрганамиз ва амал қиламиз” шиори остида мусулмон киши учун ўта зарур бўлган, икки дунёсининг обод бўлишини таъминлайдиган сабоқларни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Бу, албатта, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гўзал суннатларини ўрганиш ва уларга амал қилишни тарғиб этувчи ҳадислар билан бўлади.

Бундан буён ҳафтада уч кун islom.uz сайти орқали Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан кичик мақолалар бериб борилади. Ҳусни хулққа чақирувчи ҳадислар ёдга олинади, ўрганиб амалда қўллашга ҳаракат этилади.

Шунингдек, ҳар ой якунида ўрганилган суннатнинг ҳаётимизга, кундалик турмушимизга, одобу ахлоқимизга қандай ижобий таъсир ўтказгани ҳақида суҳбатлар ташкил этилади ва иштирокчилар суҳбатдошнинг хоҳишига кўра сайтимиз орқали ёритиб борилади.

Суннат сабоқлари ва уларнинг келгуси фойдалари муборак бўлсин, азизлар!

1-суннат

Ният тўғрисида

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

لَا مَعْلَمَ إِلَّا الْمَنْ إِذَا قَامَ لَسَوْ وَهِيَ لَعْلَعٌ لَلِصَّيْبِ بَلَّ لَعْنَةُ الْعَالَمِينَ ضَرَّ رَمْعُ نَعْمٍ - دُوَادَّ أَبَا أَلِةٍ سَمَّ خُلَاهُ أَوْرَ . وَنَ أَمْرٍ زَمَّ لِكُلِّ مَنٍّ إِيَّاتٍ لِبَابِ

«Албатта, амаллар ниятларга боғлиқдир. Албатта, ҳар бир кишига ниятига яраша бўлади», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Чиндан ҳам Исломда ҳар бир нарсага ният шартдир. Шунинг учун кўпчилик фуқоҳолар: “Ҳар бир амалда ният фарз”, – деганлар.

Исломнинг буюк илоҳий неъматлиги шундан: бандани ниятни яхшилаш билан ўз ҳожати учун қиладиган ҳар бир оддий ишни ҳам ибодат даражасига кўтара олади. Аммо бу улкан ҳақиқатни, қани эди, тўлалигича англаб

етсак! Минг афсуски, ниятни тўғрилай олмаслигимиз туфайли ибодат учун қилган қанчадан-қанча амалларимиз қабул бўлмай қолади.

Ҳар бир амал ниятга қараб баҳоланади. У тил билан бажариладиган амалми, бадан билан адо этиладиганми, фарзми, вожибми, суннатми, нафлми, ишқилиб, ҳаммасининг тўғри бўлиши ниятга боғлиқ. Шариат ҳукми бўйича ният қилинмай адо этилган амал қабул ҳисобланмайди.

Киши нимани ният қилса, ўша ниятидаги нарсага эришади. Пешин намозининг фарзини ўқияпман, деб ният қилса, ўша намознинг савобини олади. Нафл рўза тутаяпман, деб ният қилса, нафл рўзанинг савобини олади.

“Ҳадис ва ҳаёт” китобидан